



Поетга

ЯНГИ ЙИЛ ҚУТЛОВИ

Барча ички ишлар идоралари ходимлари, Ички ва Қоровул қўшинлари зобит ва аскарлари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлари, ички ишлар идоралари фахрийлари-ни кириб келадиган Янги — 2003 йил билан қизғин табриклайман.

Мустақил жонажон Ватанимизнинг буюк келажиги ва раънақи, эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жинойатчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, де-

мократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб бораётган машаққатли, аммо шарафли ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин.

Сизларга, оила аъзоларингизга ва барча яқинларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Хонадонингиздан ҳеч қачон файз-барака аримасин.

Янги йил юртимизга тинчлик ва осойишталик олиб келсин!

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-полковниги.

ЮРТИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ҳар бир байрамнинг ўз шукуҳи, таровати бор. Айниқса, Янги йилнинг завқи ўзгача. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган арчалар атрофида тантаналар бўлиб ўтади. Болажонларимиз Бўрибой, Айиқболдон, Тулки, Қуёнжон, Қизил шапкача, Буратино каби эртақ қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган томошаларда иштирок этишади. Қорбобо ва Қорқизнинг ташрифи ҳамда кичкинтойларга совғалар улашиши бир олам қувонч келтиради. Янги йил ана шу жиҳатлари билан узоқ вақт ёдимизда қолади.

Яқунланаётган йилни шукроналик билан кузатаймиз. Зеро, у тинч-осойишта ўтди, хонадонларимизга файз, қут-барака ато этди. Кўплаб юртдошларимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқди. Хуллас, унинг қадами қутлуғ келди.

2003 йил эшик қоқиб, остонамизда турибди. Илоҳим у юртимизга тўқинлик, соғлиқ-омонлик, тинчлик-ҳотиржамлик олиб келсин. Ушбу айёмга қўш-қўш байрамлар, шодиёналар уланиб кетаверсин. Кўнглимизда неки тилагимиз бўлса амалга ошсин, азизлар!



Халқаро алоқалар

ДЎСТОНА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси ИИВга Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Крег Д.Муррей ҳамда элчихона котиби Крис Хёрст ташриф буюришди.

Дипломатларни республика Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди. У меҳмонларга вазирликнинг тузилиши ва асосий фаолият йўналишлари, жинойатчиликка, терроризм кўринишларига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Крег Д. Муррей самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-

ралари ўртасида ҳамкорлик соҳасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплигини таъкидлади. У, жумладан, яқин вақт ичида Буюк Британия мутахассислари Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида ўқув курслари ташкил этиш ва ўтказиш имконияти мавжуд эканлигини айтди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

● Жанубий Корея пойтахтидаги Кон Кук университети ва Бухоро давлат университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

● Лондоннинг Хорнимен музейида жаҳон мусиқа асбоблари кўргазмаси очилди. Кўргазманинг ўзбек чолғу асбоблари бўлимида томошабинлар мусиқа асбобларидан ташқари миллий либосларимиз билан ҳам танишмоқдалар.

● Шимолий қутбдаги “муз қалпоғи” 80 йилдан сўнг эриб кетади. Буюк Британия метеорология бошқармаси мутахассислари ана шундай хулосага келишган.

● Москвада Янги йил тадбирлари ва сайиллар ўтиши муносабати билан транспортлар қатнови узайтирилди. 1 январга ўтар кечаси метрополитен 2.30, бошқа транспорт воситалари эса 3.30 гача ҳаракат қилиши кўзда тутилмоқда.

● Кейинги ўн йил ичида Россияда “Тез ёрдам” хизматидан фойдаланиш 30 фоизга кўпайган.

● Колумбияда террорчилар Американинг “Occidental Petroleum” компанияси ходимларини олиб кетаётган автобусни портлатиб юборган. Бунинг оқибатида 17 йўловчидан икки нафари ҳалок бўлган, кўпчилиги жароҳатланган.

● 46 нафар йўловчиси (улардан олти нафари россиялик мутахассислар ва тўрт нафари экипаж аъзолари) бўлган Украинага қарашли Ан-140 самолёти Эронда ҳалокатга учради. Одамларнинг барчаси ҳаётдан кўз юмди.

● Ҳиндистондаги Кашмир штатида террорчилар маҳаллий полиция констеблининг отаси ва акасининг жонига суиқасд қилишди. Қотилликдан сўнг бир неча соат ўтгач, ҳарбийлар ўша ҳудудда икки жангарини отиб ўлдиришган.

● Исроиллик ветеринар Рафи Кишон мабодо Ироқ томонидан кимёвий ёки биологик ҳужум уюштирилса ит, мушук каби уй ҳайвонлари учун газниқоб ўйлаб топди. Яқин кунларда улар дўконларга чиқарилади.

● Волгограднинг Дзержинск туманида рўй берган ёнғин оқибатида озик-овқат маҳсулотлари сақланаётган бешта омбор батамом ёниб кетди. Электр асбобидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиққан офат тўрт соатдан кейингина даф қилинди.

УШИНЧИ «Поетга» gazetasining ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI
TV O'ZLAMI

Хабарлар

ОСОЙИШТАЛИК ВА
ХОТИРЖАМЛИККА КАФОЛАТ

Янги йилни кутиб олишга ҳамма ерда қизгин тайёргарлик кўриляпти. Байрам кунлари ички ишлар идоралари ходимлари ҳар қачонгидан хушёр туриб хизмат бурчларини адо этадилар. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаев байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусида қуйдагиларни гапириб берди:

– Одатдагидек, Янги йил байрами арафасида республикамиз ҳудудида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар идораларида зарур режалар белгилаб олинди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл-ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги,

қуриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари ходимларининг фаол ҳаракатлари, ўзаро ҳамкорликлар орқали эришилади.

Ички ишлар идоралари билан жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамжиҳатлигидаги ҳаракатлари самараси айнан байрам кунлари кўрилади. Тузилган режаларда туман, шаҳар ҳокимликлари,

қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, оқсоқоллар, маҳалла посбонларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, кўча, гузарлар, жамоат жойлари куну тун назорат қилинади.

Ички ишлар идораларининг бир қатор хизматлари ходимларидан иборат экипажлар, гуруҳлар ҳар қачонгидан кучайтирилган тартибда хизматда бўлишади. Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлар, вилоятлар марказлари фуқароларининг байрам сайилларига чиқишларини ҳисобга олиб сайилгоҳларда патруль-пост хизмати ходимларига қўшимча нарядлар бириктирилди.

Энг муҳими барча ҳаракатлар Янги йил байрамини тинч, осойишта, хотиржамлик билан ўтказишга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.



Яқинда онгли ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган, оддий аскарликдан генерал-лейтенант даражасигача етишган ажойиб инсон Бурхон Ҳасанович Сирождинов таваллуд топган куннинг 85 йиллигини нишонлаш маросими бўлиб ўтди.

ЯХШИЛАРНОМИ
ЎЧМАГАЙ

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасида бошланди. Бу ерга Б. Сирождиновнинг фарзандлари, неваралари, яқинлари ташриф буюришди. Бош бошқарма ҳовлисига ўрнатилган генерал-лейтенант бюсти пойига гулчамбарлар қўйилди. Музейда марҳумнинг ёрқин хотираси яна бир бор эсланди.

Шундан сўнг маросим иштирокчилари Б. Сирождинов дафн этилган шаҳримиздаги Чигатой қабристонига йўл олдилар. У ерда ўтказилган митингга сўз олган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар қўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов, Республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамо-

атчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, Ички ва Қоровул қўшинлари фахрийси, истеъфодаги полковник С. Буличёв, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари штаб бошлиғи, генерал-майор В. Бухтеев, марҳумнинг укаси, профессор А. Ҳасановлар генерал-лейтенант Б. Сирождинов ҳақида ўзларининг ёрқин хотиралари, қалб сўзларини баён этдилар.

Сўнг марҳумга атаб Қуръон тиловат қилинди. Маросимда республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниёзов ва Қоровул қўшинлари қўмондони, подполковник Н. Сулеймоновлар ҳам иштирок этдилар.

О. ХОЛМУРОДОВ.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Хизмат тайёргарлиги бўйича ўқув йилининг дастлабки яқунлари ҳақида республика ИИБ ШТБХХ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Б. Буксинбоев шундай ҳикоя қилади.

– Ички ишлар идоралари ходимларининг маҳоратини ошириш мақсадида республика ИИБ раҳбар ходимлари жойларда бўлиб жанговар, жисмоний ва хизмат тайёргарлиги бўйича синовлар қабул қилишди. Жумладан, вилоятлар ИИБ бошлиқларининг

ўринбосарлари, шаҳар ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, мустақил бўлинмалар бошлиқлари синовдан ўтказилди.

Синовлар жанговар қуроллардан отиш, уларнинг тузилишини билиш, қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш

каби машқларни ўз ичига олди. Бундан ташқари, имтиҳон топширувчилар 100 метрга, 3000 метрга югуриш ва турникда тортилиш бўйича нормативлар топширишди. Хизмат тайёргарлиги бўйича синовда эса уларнинг йўриқнома, буйруқ, амалдаги қонунларни билишлари текшириб кўрилди.

Айни пайтда давомат, ўқув жараёни назорати, яратилган шарт-шароитлар: ўқув хоналари, тирлар, жанговар ва махсус тайёргарлик биноларининг аҳоли каби масалалар ҳам назардан четда қолмади.

НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР
МУҲОКАМАСИ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида «Ўзбекистонда қўпоровчилик, террорчилик ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Уни вилоят ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция полковниги И. Исмоилов очиб, минтақада бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Шорихсиев республикамизда, жумладан Андижон вилоятида қўпоровчилик ва террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш бора-

сида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга тўхталди.

ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Н. Меликулов вилоятдаги туман ва шаҳар ИИБларида кўрилаётган масала юзасидан қилинган ишлар ва камчиликлар хусусида фикр юритиб, тегишли кўрсатмалар берди.

Маърузалар бўйича мунозаралар бўлиб ўтди.

О. ЙЎЛДОШЕВ,
милиция подполковниги.

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Туманлар ИИБ бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, ХООБ, паспорт хизмати бошлиқлари, халқ таълими, «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа манфаатдор идораларининг раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбо-

ЎЗАРО ФИКР
АЛМАШДИЛАР

сари Қ. Мадартов бошқарди.

Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги И. Қалқонов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди. Республика ИИБ ХООББ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Қ. Ҳақимов, вилоят спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раислари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари сўз

олиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Нотиклар аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таянч пунктларининг аҳамияти, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, Обод маҳалла йилини муносиб ўтказиш каби талайгина масалалар хусусида фикр билдиришди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов семинар-кенгашга яқун ясади.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.



ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Богот туманидаги Беруний номли ўрта мактабда учрашув бўлиб ўтди. Уни мактаб директори И. Рўзметов очиб, ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларга тўхталди.

Шундан сўнг туман ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани М. Раззоқов терроризм, гиёҳвандлик иллатининг

оғир оқибатлари хусусида атрофлича сўз юритди. Қишлоқ ҳудудидан ўтган темир йўлларга яқин жойларда мол боқмас-

лик, вагонларнинг ойналарига тош отмаслик, темир йўл изларига ёт жисмларни қўймасликларига алоҳида тўхталди. Бундай нохушликлар ёмон оқибатларга олиб келишини мисоллар ёрдамида гапириб берди.

Тадбирда туман ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция майори З. Зарипов ҳам иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини ўз вақтида олиш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, паспорт қоидаларига қатъий амал қилиш лозимлигини уқтирди. Учрашув сўнггида бир гуруҳ мактаб ўқувчиларига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: милиция майори З. Зарипов ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортларини топширмоқда.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

САНЪАТКОРЛАР
БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент вилояти ИИБда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси одатдагидан ўзгача бўлди. Машгулот «Театр ва қўшиқчилик санъатининг инсон руҳиятини кўтариш, маънавиятини юксалтиришда тутган ўрни» мавзусига бағишланди.

Тадбирда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Солиҳов, Турғун Бекназаров, Собиржон Бекжонов, Меҳмонали Салимов ҳамда актёр Қобилжон Умировлар иштирок

этишди. Санъаткорлар турли сахна кўринишларини намойиш қилдилар. Айниқса, улар томонидан ижро этилган интермедиялар, ичак-узди хангомалар, қўшиқлар шахсий таркибда катта таассурот қолдирди.

А. ШЕРАЛИЕВ.

2003 йил — Обод маҳалла йили

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Халқимизда «Маҳалла тинч — юрт тинч», деган нақл бор. Дарҳақиқат, маҳаллаларда тинчлик-тотувлик ҳукм сурса, бу бутун мамлакатимиз осойишта дегани. Пойтахтимизда бу борада қатор ибратли ишлар қилиняпти.

Бундоқ ўйлаб қаралса, чоғроққина маҳаллада ҳам аҳолининг турли муаммоларини ҳал қилишга мутасадди анчагина жамоатчилик ташкилотлари, шахслар бор экан. Булар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғини, хотин-қизлар кўмитаси, яраштирув комиссияси, профилактика инспектори... Ҳамма гап уларнинг ўзаро ҳамкор бўлиб фаолият кўрсатишида. Қардаки бунга эришилса, ўша ерда натижалар ҳам шунга яраша бўлади.

— Маҳалламиз аҳли милиция таянч пункти ходимлари ишдан мамнун. Улар доимо кўпнинг орасида бўлиб, дарду қувончини билиб юришади, — дейди А. Икромов тумани Али-

лар қилинди. Йил поёнига етгани сайин маҳаллаларда жамоат уюшмалари, профилактика инспекторлари кўпнинг олдида ҳисобот беришяпти. Галдаги вазифалар, ўтган даврда йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост муҳокама қилиняпти. Ту-



хонтўра Соғуний номли маҳалла оқсоқоли Бекпўлат Абдурашидов.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Натижада аксар маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаяпти. Худудда истиқомат қилувчи ёлғиз қариялар ҳамisha эътиборда. Ҳусусан, болалар тарбияси ҳаммининг диққат марказида.

Яккасарой туманида қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қатор хайрли иш-

манда оилавий низоларни бар-тароф этиш бўйича яхшигина тажриба орттирилди. Масалан, “Гулистон” маҳалласида яшовчи пенсионер Эмма Саркисова билан қизи ўртасида келиб чиққан келишмовчилик хотин-қизлар кўмитаси ва яраштириш комиссиясининг кўшма мажлисида муҳокама қилинди. Кўпни кўрган онахонлар уларга насиҳат қилишди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Натижада она-бола ярашишди, гина-кудуратларни унутишди.

“Оққўрғон” маҳалласидан эса бир фуқаро яхши гапга туншунмайдиганлар хилидан чиқиб қолди. У ножўя хатти-ҳаракати учун илгари кўпчилик ичида изза қилинган эди. Афсуски, бундан тўғри хулоса чиқармаган экан — кўздай кўшниси, ёлғиз қария А. Плотниковга енгил тан жароҳати етказди. Маҳалла профилактика инспектори унга нисбатан маъмурий далолатнома тузиб, тегишли идорага топширди.

Мирзо Улуғбек номли маҳаллада эса бекор юрган ёшларни иш билан таъминлаш борасида таҳсинга лойиқ саъй-ҳаракатлар қилиняпти. Бу савобли ишга Ҳамза тумани аҳолини ишга жойлаштириш ва прокуратуранинг болалар билан ишлаш бўлимларининг ходимлари ҳам катта ҳисса қўшишяпти. Усмирларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маҳаллада фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячининг хизмати ҳам катта бўляпти.

Келаётган йил “Обод маҳалла йили” экан, бу ўз-ўзидан юқоридаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, унинг янги-янги шаклларини излаб топишни тақозо этади. Зеро, мақсад ҳам шу — юртимиз, маҳаллаларимиз, хонадонларимизни обод қилиш. Бу йўлда ҳар қанча куч-ғайрат сарфласак оз.

Р. САЙДАҲМЕДОВА.

Суратларда: Ҳамза тумани Мирзо Иброҳим маҳалласида ўтказилган учрашув пайти.

Ғ. ХИДИРОВ олган суратлар.

Мустақилликка эндигина эришилган, юрт анча нотинч, алғов-далғов дамлар. Бундай пайтда, айниқса, милиция ходимларининг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилади, уйқуда ҳаловат, оилада роҳат бўлмайди. Камолиддин ака ўша кезлари милицияда фаолият кўрсатар, Сирғали тумани Навоий маҳалласида профилактика инспектори бўлиб ишларди. Ватан осойишталигини кўриқлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ички ва ташқи ғанимларга қарши аёвсиз курашиш кўплар қатори унинг ҳам зиммасига тушган, ишга эрта келиб кеч қайтарди. Кейинроқ у кунлаб, ҳатто ҳафталаб уйга кетмай қоладиган одат чиқарди. Вазият шунинг тақозо қиларди-да. Милиция ходимларининг аҳли аёлларига тўзим берсин. Камдан-кам уй бекаси бунга бардош бера олади. Аммо Камолиддин аканинг сеvimли жуфти ҳалоли чидади, теvarак-атрофга зийрак кўз билан қараб турмуш ўртоғининг барча саъй-ҳаракатлари беҳуда эмаслигини тушунди...



ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Камолиддиннинг бир одати, ёнига маҳалла посбонини олиб тунда аламаҳалгача одам гавжум гузарлар, маҳалла кўчаларини айланади. Ҳар бир уйни, одамларни назардан қочирмайди. Шундай кунларнинг бирида бир шубҳали шахс унинг эътиборини тортди. “Шапқўр” лақабли бу ўғри кўпдан бери Камолиддин аканинг диққатини жалб этиб келарди. Номини эшитардию, “қўлга тушмас қасоскор” лигидан доғда эди. Профилактика инспектори унинг изига тушди. Кўп қаватли уйлардан бирининг олдида “тузоқ” пайдо бўлди. “Шапқўр”нинг шу бинодаги эгасиз бир хонадонга кириши малум бўлгач, уни қўлга олиш режалаштириб қўйилган эди. Профилактика инспектори икки шеригини бино олдидаги йўлакда қолдириб, ўзи орқа томонга ўтиб, пойлай бошлади. Ўғри аллақачон ишни саранжомлаган, ўзи эса ним қоронғуда учинчи қават равоғидан арқон орқали лапанглаб пастга тушиб келарди. Пастда уни оёғи ерга тегар-тегмас милиция ходими қарши олди.

— Овора бўлманг, ўзим ёрдам бориб юбораман!

“Шапқўр” бир юлқиниб, унинг қўлидан чиқишга улгурди. Ва қутилмаганда ёнидан пичоқ чиқариб, инспекторга ташланди. Бироқ тажрибали милиция ходимининг навбатдаги зарбасидан кейин қўлидан пичоқ учиб кетиб, ўзи таслим бўлди. Шу чоқ инспекторнинг ҳамкасблари етиб келиб, унинг қўлига кишан солишди.

Камолиддин Қурбоннинг милиция соҳасида ишлаётганига роппа-роса ўн уч йил бўлди. Даст-

лаб ишга келганида Сирғали тумани ички ишлар бўлими раҳбарлари унинг тўладан келган, салобатли жуссасини кўриб: “Ўзимизнинг йигит экансиз” деб хушнудлик билан қабул қилишган эди. Бугун у шу ишончини оқламоқда. Нафақат бошлиқлар, хозирда у хизмат қилаётган Навоий маҳалласи аҳли ҳам катта иззат-ҳурмат кўрсатишмоқда. Хизмат йиллари йиғитга обрў-эътибор олиб келди. У фидойилиги, жасурлиги ва мардлиги учун оддий милиционерликдан милиция майори даражасигача кўтарилди. Камолиддин ака кўпроқ вақтини ёшлар даврасида ўтказди, мактаб ва муассасаларда бўлиб, ҳуқуққа доир турмушнинг ишларини олиб боради. Бордию бирор нота нотинч оила ёки маҳалла “эркатой”лари учраб қолса, уларни ётиги билан тартибга чакирди.

— Биз ўз вазифамизни бир ёқлама тушунишимиз керак эмас, — дейди милиция майори. — Тўғри, қаттиққўллик зарур, аммо инсонга меҳр-шафқат кўзи билан қараш лозим. Айтмоқчиманки, ишни судга олиб бормайлик. Жиноятларнинг олдини олишнинг энг яхши йўли — одамлар орасида бўлиш, улар билан жонли мулоқот олиб бориш, у ёки бу салбий ҳаракатларнинг хунук оқибатларини адолат қонунлари асосида тушунтира билишдир. Ана шундангина кўзланган мақсадга эришамиз.

Кўйсиний ХУДОЙҚУЛОВА.

Суратда: милиция майори К. Қурбон.

Қоровул кўшинларида

ҲАРБИЙЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

Кейинги йилларда қуроли кучларимизда шартнома асосида хизмат қилувчилар сони ортапти. Навқирон, соғлом, бақувват йигитларимизнинг аксари муддатли хизматдан сўнг қолиб ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттиришни кўнгилларига тугиб юришибди.

Улар билан суҳбатда бўлсангиз, барчаси бу соҳанинг оғир ва машаққатли эканлигини қалбдан ҳис қилган ҳолда хизматга келаётганликларини изҳор этадилар. Мабодо “Соҳанинг оғирлигини билсангиз нега хизматга келаётирсизлар” десангиз: “Тўғри, ҳарбийлик оғир, лекин шарафли касб”, — деб жавоб беришади.

Бу шараф ҳақида ўйлаганимда қалбимдан ажиб бир туйғулар ўтади. Ватани ҳимоя қилишдан ҳам буюк шараф бормикан ҳаётда? Онани ҳимоя қилишдан-чи? Тинчлик ва осойишталикни сақлашдан ҳам буюк шараф борми?

Шулар ҳақида ўйларканман, ёш, навқирон, шер-журак йигитларимизнинг бу туйғуни ҳис қилган ҳолда ҳарбий хизматга келаётганларидан беихтиёр қалбим қувончларга тўлади, халқимиз ажойиб фарзандлар тарбиялаётганидан кўнглим таскин топади.

Яқинда Қоровул кўшинларига қарашли майор Фарход Ҳамидов сардорлик қиладиган ҳарбий бўлинмада бўлганимда эндигина муддатли ҳарбий хизматга қақирилган бир гуруҳ йигитлар билан суҳбатлашиб қолдим.

— Сизлар ҳарбий хизматга ўз хоҳишларингиз билан келдиларингизми ёки бирон мақсадни кўзлабми? — сўрадим улардан.

Жиззах вилоятилик оддий аскар Ботир Эсанов: — Мақсадсиз киши бўлмаса керак. Шахсан мен муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтаганимдан сўнг ҳарбий хизматни яна давом эттирмакчиман, — деб жавоб берди.

Анджон вилоятилик Файрат Раҳимов эса “Ҳозирда кўпчилик ичида ҳарбий хизматдан кейин ҳуқуқ-тартибот идораларига ишга кириш осон, деган гаплар юради. Эҳтимол, бу тўғридир. Аммо мен ҳарбий хизматга чиниқиш, қийинчиликларни бошимдан ўтказиш, ҳаёт мактабини кўриш учун келганман. Насиб қилса хизматни битиргач, кишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқчиман”, — деб жавоб қайтарди.

Наманганлик Шухрат Рўзиевнинг жавоби ҳам ўзига хос бўлди. “Ватани ҳимоя қилиш учун келдик, десам бу умумий сўзларга ўхшаб қолади. Ватани нафақат ҳарбий хизматда, балки ўз қишлоғингда, шаҳрингда ҳам ҳимоя қилишинг лозим. Мен ўз ота-онам, оилам, қишлоғим қадрини янада чуқурроқ англаш учун бу ерга хизматга келдим”.

Мана, бир саволга уч йигитнинг жавоби. Ҳаммаси турлича бўлгани билан барчаси жўяли ва мантиқан тўғри.

Табиатан хушчақчақ, ҳаракатчан, доимо ниманидир режалаштириб юрадиган ёш сардорнинг таржи-маи ҳоли билан қизикаман.

“Олий ҳарбий техника билим юртини битириб турли лавозимларда хизмат қилдим. Гуруҳ, бўлинма сардори, штаб бош-

лиги вазифаларини бажардим. Ниҳоят, ҳарбий жамоа сардори этиб тайинлашди. Ҳозирда Қуролли Кучлар академиясининг биринчи курсида сиртдан таълим олмакдаман. Оилада беш ака-укамиз. Отам ўқитувчилардан пенсияга чиққанлар. Укаларимдан бири ота изидан берди, қолган тўрттовимиз ҳам ҳарбийликни танладик”.

Бир оиладан тўрт ўғлон ҳарбийликдек оғир ва шарафли касбни танлабди. Бундай оилалар республикамизда кўплаб топилшига ишончимиз комил.

Мана шундай Ватани кўз қорачиғидек асрашни ният қилган шердил йигитларимиз ва уларни вояга етказган оилалар бор экан, юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига шак-шубҳамиз йўқ.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ,
подполковник.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шунингдек суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинмоқда. Бу эса тергов идораларига ўз таъсирини ўтказаяпти. Шу ҳақда биз Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги З. Йўлдошев билан суҳбатлашдик.

– Ўтган йилнинг май ойида ички ишлар идораларининг тергов аппарати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида таркибий ўзгартиришлар амалга оширилган эди. Шундай қилиб, ўша пайтгача фаолият кўрсатиб келган назорат-услубий бўлими тергов фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда ахборот-таҳлил таъминоти бўлимига айлантирилди. Таҳлил бўлими хар бир туман ИИББ тергов хизматида тузилди. Бу билан талайгина масалалар ўз ечимини топди. Биринчидан, агар авваллари тергов ходимлари фаолиятини назорат қилиш объектив сабабларга кўра керакли даражада олиб борилмаган бўлса, бугун шароит тубдан ўзгарди. Ушбу бўлимда дастлабки тергов жараёнини тўла кузатиш имконияти юзага келди. Шу билан бир қаторда, таҳлил бўлими ташкил этилиши ҳисобига терговчиларнинг ҳисобот тузишлари ва тергов ишларини таҳлил қилишлари учун кетадиган вақти тежалди. Натижада тергов ишлари олиб бориш сифати ошди. Ходимлар маълум йўналишлар бўйича тақсимланиб чиқилди. Яъни, агар илгари терговчи ҳам мулккий жиноят ишларини, ҳам гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишига тўғри келган бўлса, энди бунга йўл кўйилмайдиган. Бу терговчининг ихтисослашувига ёрдам беради.

Жиноят процессининг либераллашувига келсак, менимча, унинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу жамиятимизнинг демократлашуви томон кўйилган яна бир қадам бўлди. Гапни эҳтиёт чораларидан бошласак. Бугунга келиб, гаров, шахслар ёки ташкилотлар, жамоанинг кафолати, гумонланувчи ўзини рисоладагидек тутиши ҳақида тилхат бериши каби эҳтиёт чоралари кўпроқ қўлланилмаяпти. Бу билан илк бор жиноят содир этишда гумонланаётган, ҳатто эҳтиётсизлиги орқали оғир жиноят қилган шахсларнинг ашаддий жиноятчилар билан бир хонада ҳибсда сақланишининг олди олинди. Акс ҳолда рецидивист ёки устаси фаранг кассавур унга қандай таъсир қилиши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг.

ЁШЛАР КЎМАККА МУҲТОЖ

Яраштириш натижасида кишиларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Агарда гумондор билан жабрланувчи мурасага келса, келтирилган

моддий зарар бутунлай қопланса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида қайд этилган жиноятлар бўйича жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ бекор қилинади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилаётгани ташвишланарли ҳолдир. Афсуски, вояга етмаганлар борган сари кўпроқ жиноят жараёнида айбланувчи сифатида иштирок этишмоқда.

Нега бундай бўляпти? Жавоб фақат битта: кўп ҳолатлар ўсмирларнинг бирор иш билан шуғулланмай бўш юриши, қаровсизлиги ва ҳуқуқий маданиятининг пастлиги сабабли рўй берапти. Айрим ҳолларда ўсмирни тенгдошига тан жароҳати етказгани учун жавобгарликка тортишга тўғри келади. Ёки бўлмаса кўчадаги чирокларни тош отиб синдиришади. Йўқ, бу ўйин эмас, балки безорилик ва у жазоланиши керак. Қиз бола заифроқ синфдошининг зирагини тортиб олиб кўйди – бу энди талончилик. Ўсмирлар ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий баҳолай олмайдилар, чунки уларни бунга ўргатишмаган.

Суҳбатимиз охирида милиция майорлари Е. Мазурова ва И. Маҳкамбоев (ЙТХни текшириш бўйича ИИББ қошидаги тергов бўлими), милиция подполковниги Б. Қаюмов (Яккасарой тумани ИИБ), милиция капитани Р. Юнусов (Чилонзор тумани ИИБ) ва милиция майори А. Ҳошимов (Шайхонтохур тумани ИИБ) каби малакали терговчиларимизнинг номларини фахр билан тилга олишни истардим.

И. САЙФУТДИНОВА
ёзиб олди.

Қарор ва ижро

ОСОҢ ФОЙДАНИ КЎЗЛАГАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишига Навоий вилояти ИИБ йўл-патруль хизмати ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшяптилар. Фақат ўз манфаатини кўзлаб айланма йўллар билан юртимизга ноқонуний тарзда мол олиб кираётган кимсалар қўлга тушишяпти. Уларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилмоқда.

Шу йил 25 ноябрь куни Навоий ГРЭС блок-постида Самарқанд – Бухоро йўналиши бўйича ҳаракатланаётган “Нексия” русумли автомашина тўхтатилди. Фиждудон туманилик Акмал Шарипов бошқарувидаги бу машина салонидан умумий нархи уч миллион сўмликка яқин хорижда ишлаб чиқилган кийим-кечаклар топилди. Уларнинг ҳеч бирини олиб кириш учун тегишли ҳужжатлар йўқ эди. Бу молларда А. Шариповнинг тумандоши У. Истамовнинг улushi бор экан.

Рангли металл ишқибозлари ҳам ҳали-ҳануз учраб турибди. Бухоролик Ж. Мухторов юк машинасига нақ тўрт ярим тонна рангли металл парчаларини ортиб, қўшни республикалардан бирига йўл олганда тўхтатиб қолинди.

Осон фойда ҳавасмандлари қандай найранглари йўлаб топмайди, дейсиз. Том-

ди туманилик А. Ажимахонов Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 300 шиша ароқни мамлакатимизга хуфиёна олиб кириш учун йўловчи автобусдан фойдаланишга қарор қилди. У ҳойнаҳой ички ишлар ходимлари пайқамай қолишади, деган хаёлга борган бўлса керак. Аммо чучварани хом санаган эди. ИИБ ЙХХБ бўлими ходимларининг сезгир нигоҳидан ноқонуний олиб кирилаётган бу юк ҳам четда қолмади.

Хуллас, ҳамкасбларимиз нафақат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда, балки юқоридаги каби жиноятларни ўз вақтида фож этишда ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Бу билан мамлакатимизнинг иқтисодий равнақи, ички бозоримизни сифатсиз товарлардан муҳофаза қилишга ҳисса қўшяптилар.

Саид ЭРГАШЕВ,
милиция майори.

ҚИНФИР ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Халқимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида бир қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан ички ишлар ходимларига ҳам боғлиқдир. Айниқса, ноқонуний савдо билан шуғулланаётган ҳамда хорижий валюталарни қора бозорда сотиб мўмай даромад орттирмоқчи бўлган кимсаларга нисбатан муросасизлик билан кураш олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳрида яшовчи Дониёр ҳамда Саид исмли шахслар Хитойдан олиб келинган 60 тўп “Лидер” ва “Президент” деб номланган газламаларни 5137 АҚШ долларига яширинча сотаётган вақтда ушландилар. Текширув давомида Дониёр истикомат қилаётган хонадондан 559 тўп, умумий нархи 67.000.000 сўмлик матолар борлиги аниқланди.

Сирдарё шаҳрида яшовчи З. Мирзомаддин ва Т. Обиджон 3000 АҚШ долларини Содир исмли шахсга 3.960.000 сўмга сотаётган вақтда ИИБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Яна бир тафсилот.

Тошкент шаҳрида яшовчи, 1963 йилда туғилган С. Тоҳир воситачилигида 2200 АҚШ долларини 3.058.000 сўмга сотаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган Ф. Маҳмуд ва Х. Эркинбеклар бу қилмишлари жиноят эканини билсалар-

да, шахсий манфаатлари устунлик қилганини тан олишди.

Умуман олганда, жорий йилнинг декабрига қадар ички ишлар ходимлари томонидан мингдан зиёд шу каби ҳолатлар аниқланиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди. Улардан далилий ашё сифатида 659.490 АҚШ доллари, 5000 Ироқ динори, 521.650 Россия рубли, 3885.200 қозоқ тенгеси ва яна кўп миқдордаги бошқа чет эл валюталари олинди. Булардан ташқари уч ярим килограммга яқин олтин кукуни, 47 донна тилла танга, 400 граммдан ортик олтин куймаси, кўплаб қимматбаҳо тақинчоқлар ва бошқа қимматликлар олинди.

Кўриниб турибдики, қонунга ҳурматсизлик, ноҳўя ҳаракат қилишнинг оқибати жавобгарликка тортилиш билан тугайди.

Исмоил МИНАВАРОВ,
милиция майори.

Тухфа

Янги фильм яратилмоқда

Таниқли санъаткор Мурод Ражабовни театр ва кинода яратган образлари орқали яхши биламиз. У киши ижросидаги барча қаҳрамонлар бетакрорлиги билан сермулоҳаза, синчков ва нозиктаъб томошабинлар синовидан аллақачон ўтган. Санъаткорнинг бугунга қадар ижро этган қатор роллари фикримизга далил бўла олади.



Актёрликда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ижодкор, кейинги йилларда кинорежиссурада ҳам ўз кучини санаб кўрмоқда. У “Қаро кўзлар”, “Пари момо” каби фильмларни суратга олган.

Режиссёр Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тингловчилари ҳақида ҳикоя қилувчи “Академия” телефильми устида иш олиб борапти.

– Бир куни мени ИИБ Академиясига учрашувга таклиф этишди, – дейди биз билан суҳбатда М. Ражабов. – Бордим. Талабалар хушхол кутиб олишди. Улар зукко, ниҳоятда синчков ва қизиқувчан экан. Савол-жавоблардан

билдимки, бу даргоҳда бўлажак Шерлок Холмслар, етук ҳуқуқшунослар, ажойиб милиция офицерлари Истиқлолимизнинг ҳақиқий фидойилари етишаётган экан. Ўқув масканидаги тартиб-интизом, озодалик, домлаларнинг жонқуярлиги, умуман курсантлар ҳаёти мени хайратга солди. Йигит-қизларнинг бўй-баста, ва фикр доирасининг кенглигини кўриб республикамизнинг бугуни ва келажакдан бениҳоя фахрландим. Қалбимда шу ҳақда телефильм яратиш нияти туғилди. Учрашувдан қайтгач бу фикрни таниқли ёзувчимиз Тоҳир Маликка айтдим. У

Г. КАРИМОВА,
У. ДОЛИЕВА.

UCHINCHI «Поетга» gazetasi

gazetasining ilovasi

TV O'LAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Хазина излаб

Тянь-Шань этакларида ястаниб ётган Иссиқкўл ҳақиқатан ниҳоятда мафтункор, гўзалдир. Кўл ортидан қорли чўққилар виқор тўкиб туради. Кучли шамоллар эганда асов тўлқинлар бош кўтаради. Иссиқкўл гўёки бу билан ўз сирларини осонликча очмаслигини айтаётгандай бўлади. Сирлар эса анчагина.

Ривоятларга кўра бир пайтлар бу ерларда қирғиз эпосининг қахрамони Манас ўғли Семетей ва невараси Сейтек билан яшаган. Кунлардан бир кун жангда унинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган улкан қиличи си-нади. Манас синиқ қиличини кўлга улоқтиради. Хозиргача қилич кўл тубида ётган эмиш. Кимда-ким уни топиб олса бемисл қудрат соҳибига айланади, жангларда ҳамisha голиб бўларкан.

Бу ҳудуд эрамининг VII–X асрларида гуллаб-яшнади. Буюк ипак йўли орқали Хитойдан Осиёга ва Европага ипак матолар, кўзгулар, заргарлик буюмлари ташилар эди. Натижада йўлнинг ҳар икки тарафида шаҳарлар ва қалъалар бунёд этилди. Янги пайдо бўлган ушбу яшаш жойларида савдо-сотик, хунармандчилик ривож топди.

Аммо X асрдан бошлаб аҳолига кўчманчилар ҳужум қила бошлади. Савдогарлар бошқа шаҳарларга қарован жўнатишга қўрқиб қолишди. Ҳатто улар бойликларини кўл қирғоқларига яширишга мажбур бўлишарди.

XIII асрда Чингизхон кўшинлари Ўрта Осиёга бос-



тириб кирди. Маҳаллий аҳоли тўплаган тилла тангалар ва қимматбаҳо тақинчоқлари босқинчилар қўлига тушмасин деб, 12 та қайиққа ортиб кўлга чўктиришган. Қолган бойликларини эса қирғоқ яқинидаги горларга яширишган.

1227 йилда Чингизхон вафот этди. Орадан икки йил ўтиб унинг учинчи ўғлини хон қилиб кўтаришди. Айтишларича, жаҳонгирнинг бутун тўплаган хазинаси унга қолган. Янги хон бойликларни Иссиқкўл тубига ёки қирғоқдаги қоялар остига кўмдириб, бундан хабардор барча кимсаларни қатл эттирган, деган миш-мишлар юради. Бу хазина Миср фиръавнлариникидан қолишмас экан.


XVI асрдан бошлаб кўл суви сатҳи кўтарила бошлади. Ҳозирда у 6 метрга кўтарилган. Кўл бўйидаги шаҳарлардан бирининг ҳукмдори табиий офатни кўриб энг қимматбаҳо буюмларини тилла сандиққа солиб, кўлга

чўктирган. Нияти кейинроқ сув пасайиб, қайтиб келганида хазинасини олиш бўлган. Тақдирнинг киноясини қарангки, кўл сатҳи ошса ошганки пасаймаган, ҳукмдор эса хазинаси қаерга яширилганини бошқаларга айтишга улгурмай ўлиб кетган.

Ўтган асрда маҳаллий аҳоли орасида хазина изловчилар анчагина топилган. Айниқса, Чингизхон хазинасини топишни истовчилар кўп бўлган. Ҳатто ўша даврдаги Қирғизистон Геология бошқармаси, собиқ иттифоқ ДХК ходимлари ҳам бу иш билан шуғулланишган.

Аммо кўл ҳадеганда ўз бойликларини беравермади. Маҳаллий аҳолининг ишонишича, хазина эгалари мол-дунёларини яширишганидан сўнг бегона кўлларга тушмасин деб сирли дуолар ўқиб тилсимлаб ке-

тишган. Хазинани кўлга кири-тиш учун у бекитилган жойни топишдан ташқари ўша калит (очқич) дуоларни ҳам билиш зарур экан. Худди “Али бобо ва қирқ қароқчи” фильмидаги “Сим-сим, очил!” деган дуога ўхшаб. Хазина кўмилган жой-



да зангори аланга пайдо бўлар экан. Айтишларича, ойдин кечаларда Иссиқкўл қирғоқларида ҳам бундай гулханчаларни кўплаб кўриш мумкин эмиш. Яна ганж кўмилган ерда

эгасининг арвоҳи кезиб юради, деган миш-мишлар ҳам кулоққа чалинади.

Балиқчиларнинг гапларига қараганда йилига бир марта – Ой тўлганда Чингизхоннинг тоғдай улкан шарпаси Иссиқкўл узра пайдо бўлармиш. Қаҳрли жаҳонгир гўё “Менинг хазинамни кўлга кири-тишни хаёлларингга ҳам келтирманглар!” – дегандай таҳдид билан боқар экан. Балиқчилар унинг шарпаси бахтсизликлардан дарак беради, деб ҳисоблашади.

1987 йилнинг шамолли ёз кунларидан бирида иссиқкўллик балиқчилар қайиқда балиқ овлаб юришганда Чингизхоннинг кўланкасини кўриб қолишди. Улар шарпани ҳайдаш учун иримга кўра кўл сувига айрон тўкишди. Аммо фойдаси бўлмади. Орадан бир ҳафта ўтиб балиқчилар яна овга чиқишганида қайиқлари номаълум сабабларга кўра чўкиб кетди. Ҳеч ким қутулиб қололмади.

Ҳар ёзда минглаб сайёҳлар Иссиқкўл бўйига шоши-лишади. Уларнинг орасида альпинистларни ҳам, археолог (қадимшунос)ларни ҳам, хазина изловчиларни ҳам учратиш мумкин. Унда-мунда баъзи қимматбаҳо нарсалар топилганлиги ҳақида хабарлар ҳам пайдо бўлади. Аммо ҳали ҳеч қаерда Иссиқкўлнинг беҳисоб хазиналаридан бирортасини топишгани ҳақида расман маълум қилишгани йўқ. Ким билсин, биров топган бўлса уни давлат олиб кўйишидан чўчиб ими-жимида тинчитгандир. Эҳтимол бу сирли хилқат ўз тилсимларини яқин келажакда очар. Бир доно одам айтганидай, ким билсин?!

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Бу турфа олам

УЗОҚ УМР КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ

Хитойлик олимлар узоқ умр кўриш кишининг касбига боғлиқ деган хулосага келдилар. Масалан, шифокорлар ва ўқитувчилар кўп ҳолларда узоқ умр кўрадилар. Бу одам жамиятга қанча кўп ўзини бахшида қилса, шунчалик узоқ яшашидан далолат беради. Муаллим билим беради ва руҳни даволайди, шифокор эса танни даволайди. Бунга жавобан улар одамларнинг миннатдорчилиги, муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлишади. Хитойлик олимларнинг фикрича, инсонни самимий муҳаббат қанчалик кўп ўраб турса, руҳи шунчалик ёрқин бўлади ва танни тарк этишга шошмайди.

АВТОМОБИЛЬ ИШҚИБОЗЛАРИ


Дунёда АҚШдек автомобилга боғланган мамлакат топилмаса керак. Калифорнияда яшовчиларнинг кўпчилиги ҳаётларини шахсий автомобилсиз тасаввур этишолмайди. Айримлар болалиқда рулга ўтириб ҳаётларининг сўнги дамларигача машинани бошқарадилар. Чунки қонин томонидан ҳайдовчи ёшининг юқори чегараси белгиланмаган. Ҳатто юз ёшда ҳам кўзининг хиралашмаган ёки бирор оғир дардга чалинмаган бўлсангиз, бемалол автомобиль ҳайдашингиз мумкин.

Расмий маълумотларга қараганда 58 нафар калифорниялик қария айнан шундай қилмоқда. Улардан 37 кишининг ёши юзга етган бўлса, 15 ҳайдовчи 101 ёшни қаршилаган.

Калифорния йўлларида учта 102 ёшли, битта 103 ёшли ва икки нафар 104 ёшли ҳайдовчини ҳам учратиш мумкин.

АШАДДИЙ ТУХУМХЎРЛАР

Тухумхўрликда испанияликлар олдига тушадиганлар топилмаса керак. Йилига ҳар бир испаниялик ўртача 220 донга товуқ тухумини паққос туширади. Тўғри, олдинлари Санчо Пансанинг ватанида йилига 300 тадан тухум истеъмол қилинарди. Лекин бунинг асосий сабаби одамларнинг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳарид қилишга пули етмасди.



ФАРОЙИБ ИХТИРО

Британиялик Стивен Солтер минглаб турбиналар ёрдамида саҳролар устида денгиз сувини тўзғитиш ва шу йўл билан ёмғир қақришни режалаштирмоқда. Олим бу билан денгиз сатҳи ошишининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Қурғоқчилик ҳукм сурган жойларда денгиз қирғоғига ўрнатилган ёмғир қақриувчи турбиналар сувнинг бостириб келиши ва қайтиши энергиясидан фойдаланади. Улар денгиз сувини йигирма метр юқорига тўзғитади. Бунинг оқибатида мазкур ҳудудда намлик даражаси ошиб, булут ҳосил бўлиши эҳтимоли кўпаяди. “Агар ёмғир қақриувчи турбиналар кўплаб қурилса, миллиардлаб одамларни қийнаётган сувсизликка чек қўйиш мумкин”, – дейди Солтер.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

Пана-пасткам жойларда одамларга хужум уюштирган, ҳатто қотиллик содир этган инсон қиёфасидаги махлуқлар ҳақида гап борганда кўпчилик ишонмаслиги табиий. Лекин улар англишишади, жоду таъсирида қиёфасини ўзгартирадиган одамлар бизнинг давримизда ҳам мавжуд.

СИРЛИ ХОДИСАЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

Яқинда Колумбияда даҳшатли фожиалардан бири фож этилиди. Газетада эълон қилинган кичик мақолада Кардильер тоғи этагидаги ўрмонда ёввойи ўсимликларни кузатиш мақсадида экспедиция уюштирган икки америкалик табиатшунос ваҳшийларча ўлдирилганлиги ҳақида ҳикоя қилинарди.

Аммо мазкур воқеадан уч ой олдин Колумбия газеталарида Санта-Лусия шаҳарчасида ҳеч бир сабабсиз чавақлаб ташланган йигирмадан ортиқ одамларнинг жасади топилгани хусусида ёзилган. Сирли жиноятларга ёш журналист Энрике Каррас пойтахт газетасида шифокор Венцелнинг хусусий касалхонасида рақ хасталиги бўйича даволанган бемор Гвидо Авентуронинг кундалигидан сатрлар келтириб оидинлик киритди. У ўз мақоласида тиббиёт масканида одамни йирткич махлуққа айланттиришчи махфий тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳақида ҳикоя қилди.

Журналист бу чиқишини шов-шувларга сабаб бўлади ва полициячилар хусусий шифохона билан шуғулланишади, деб ўйлаган эди. Аммо куюнчақлик билан ёзганларини ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Полициячилар Каррас шухрат қозониш учун афсунгарлар ҳақидаги қадимги ривоятлардан фойдаланган, деган қарорга келишди.

Аммо орадан икки ҳафта ўтгач, Энрике беморлар устида хавfli тажрибалир ўтказётган шифокор Венцель касалхонаси ҳақида кўшимча маълумотларни эълон қилди. Журналист касалхонага келтирилган айрим мижозлар оламдан ўтмаса-да,

ақл-хушларидан батамом айрилишлари, оқибатда ҳар қандай қонли жиноятлар содир этишдан қайтмайди деган бўри-қотилларга айлинишларини баён этди.

Бу гал Карраснинг гайриоддий материалга уч дона фотосурат ҳам илова қилинган эди. Биринчисида озгин киши каравотда китоб ўқиб ўтирарди. Иккинчисида у бўйнига бўйинбоғ ва кўлларига кишан солинган ҳолда ижирганиб турарди. Учинчисида эса одамсимон бир мавжудот тўрт оёқлаб туриб ирил-лаётгани тасвирланган эди.

Ёш журналистнинг навбатдаги мақоласи баъзиларда келтирилган далил-

машхур шифокор ҳақида бўлмагур гаплар тўқиб, обрўга эришмоқчи бўлган ёзувчи деб ҳисоблаганди. Тўғри, унинг отаси — Освенцим ва Дахау концлагерларида ноинсоний тажрибалир олиб борган собиқ нацист, деган мишмишлар юрарди. Аммо полициячилар узоқ ўтмишда рўй берган, боз устига сиёсатга тегишли бу нозик масалани четлаб ўтишга қарор қилишди.

Полицияга доктор Венцелнинг хусусий шифохонаси наркомафия раҳнамоларининг маблағи ҳисобида фаолият юритаётгани маълум эди. Аммо ортиқча қурбонлар бермаслик мақсадида улар билан санманга бормасликни лозим топишди. Шу боис, жамоатчиликни тинчлантириш учун газеталарда шифокор кутқариб қолган собиқ икки беморнинг миннатдорчилик мактуби эълон қилинди. Телевидение орқали шахсий котибининг интервьюси кўрсатилиб,

роҳиб хонадони остонасида томоғи ғажиб ташланган ҳолда ўлиб ётарди.

Уйни синчиклаб кўздан кечирган полициячилар марҳум журналистнинг ён дафтари топишга муваффақ бўлишди. У аввал чиройли хуснихатда ёзилган, бора-бора эса ёзувлар чаплашиб, ўқиб бўлмайдиган даражага келиб қолганди.

“Касалхонага келганимга уч ҳафта бўлди, — ёзилганди унда. — Шифокор Венцель рақ хасталиги билан оғриганим, яшаб кетишимга умид деярли йўқлиги, агар у ўтказётган тадқиқотга розилик берсам имконият пайдо бўлишини яширмай айтди. Розилик беришдан бошқа чорам йўқ эди. Мени дарҳол бошқа хонага ўтказишди. У кўпроқ шифохона палатаси, аникроғи, деразаларсиз, кундузги чироқ ўрнатилган бункерни эслатарди. Бу ерда телевизор, радио, китоб, газета деган нарсалар йўқ эди. Венцелнинг сўзларига қараганда,



ланди, деган қарорга келиб уни бирорта руҳий хасталиклар шифохонасига жўнатиб юбормаганлар. Орадан ўн икки соат вақт ўтгач, ҳаммаси ортда қолди, ўзини ёш ҳамда тетик сеза бошлади. “Сен ҳам бўри бўлишни истайсанми?” — сўради шифокор шуларни гапириб бергач. Мен нима деб жавоб беришни билмас эдим...

...Оқшом тушганда менга катта дозада укол

фокор улар ҳаётини янги-ча тарзда узайтирганмиш...

...Инсонга хос ақлий тафаккурим мени тобора тарқ этиб борапти. Шу боис, кундаликни катта қийинчилик билан ёзишимга тўғри келаяпти. Тан оламан, бўри бўлиш ёқимли. Шифокор бўрига айланаётган пайтимдаги жараён акс эттирилган суратларни совға қилди. Улар даҳшатнинг ўзи. Руҳиятимни бу кўргүликдан халос этиш учун суратларни бир амаллаб роҳиб Мигелга етказишим зарур... Уч кундан сўнг ой чиққан пайтда мени яна овга жўнатишади. Ҳар гал озод этишларидан олдин қаергадир олиб боришаётгандек туюлади. Чунки ҳид ёрдамида изимга қайтганимда Венцель нотаниш ўй олдида кутиб олади”.

ЖОДУ ҚУРБОНЛАРИ

ларга шубҳа уйғотган бўлса-да, кенг жамоатчиликни ларзага солди. Карраснинг кўлига бундай ноёб материаллар қай тарзда тушиб қолганини гапириб бериш учун уни телевидениега таклиф қилишди. Бироқ телетомошабинларнинг умиди пучга чиқди. У телевидениега келадиган кун эрталаб уйининг олдида томоғидан ғажиб ўлдирилган ҳолатда топилди. Мурда атрофида бўри ёки итнинг излари йўқ эди.

ДОКТОР ВЕНЦЕЛЬ КАСАЛХОНАСИНИНГ СИРИ

Полиция қийин аҳволга тушиб қолганди. Бошида криминалистардан бирортаси Энрике Карраснинг ёзганларига ишонмаган эди. Уни кўпчилик

Карраснинг мақоалари сафсата эканлиги, суратлар компьютер орқали монтаж қилингани таъкидланган. Журналистнинг сирли ўлими эса оддий бахтсиз ҳодиса эмиш. У тунда уйига маст ҳолда қайтаётганида йиқилиб, энсаси билан қиррали тошга урилган ва оч дайди итлар танагини ғажиб ташлаган, деган тахминлар айтилди. Жасад олдида итларнинг изи йўқлигини эса унутишга ҳаракат қилишди.

Жамоатчилик бир оз тинчланди. Агар Санта-Лусияда яшаётган одамларни даҳшатга солган яна бир воқеа рўй бермаганида журналисти батамом унутиб юборишлари тайин эди. Оқшом чоғи истироҳат боғида сайр қилиб юрган севишган жуфтликка махлуқсимон мавжудот ҳужум қилиб йигитни ўлдиради, қизга эса жароҳат етказди. Полициячилар яраланган ва қаттиқ қўрқувга тушган қиздан нима гаплигини сўрашганда у катта бўрига ўхшаш, аммо одам каби икки оёқли махлуқ ўқиб ташланганини гапириб берди.

Шундан сўнг ҳуқуқтартибот посбонлари суриштирув ишларига жиддий киришдилар. Улар, аввало, Гвидо Авентуронинг ён дафтари топишга бошланди. Чунки Энрике Каррас ўз мақоаларида ундан айрим жойларни келтириб ўтган. Жиноятни фош этишда ёзувлар тўлалигича топилса жуда асқотарди. Аммо у таҳририятда ҳам, журналистнинг хонадонинда ҳам йўқ эди. Терговчилар Каррас блокнотидаги қизил фломастер билан айлана ичига олинган телефон рақамига эътибор беришди. У роҳиб Мигелга тегишли эди. Полициячилар зудлик билан уникига йўл олишди. Аммо

менинг ҳаёлимни чалғитмаслик ва асабимни тинчлантириш учун атайлаб шундай қилинган экан.

...Учинчи кунки, Венцель берилаётган таомлар турини ўзгартирди. У янги дори-дармонлар қўллашдан олдин танани глюкозалар ва В, Д, С дармондорилардан халос этиш зарурлигини айтди. Тушликка ҳиди ва таъми бўлмаган кичик қора нимталар келтиришди. Венцелнинг сўзларига қараганда, бу Мексикадан олиб келинган мукаддас кўзиқоринлар эмиш. Мен уларни истеъмол қилиб, ўзимни қандай ҳис қилганимни сўзлаб беришим лозим эди. Аввалига ҳаммаси кўнгилағидек кечди, лекин бир оз вақт ўтгач, бўғила бошладим. Кейин эса қандайдир жонивор — қисқа хартумли сут эмизувчи ёки чумолихўрга айланиб, қаёққадир чапаётганимни ҳис қилдим...

...Орадан тўрт кун ўтгач, ўша кўзиқоринлар билан сийлашни бас қилишди. Энди қандайдир уколлар қилишарди. Танамдаги оғриқ чекинади, аммо белгиланган миқдорда дори олмасам яна пайдо бўлади. Менга гиёҳвандлик моддаси беришаётганини сезиб турибман. Аммо шифокор унинг хасталикни даволаш учун керакли бўлган препарат эканлигини айтди...

... Бугун шифокор Венцель менга кутилаётган янги туйғулар ҳақида узоқ гапирди. Улардан асло қўрқмаслигим керак экан. Шифокор кунларнинг бирида лизергин кислотасидан тайёрланган препарат билан ишлаётганида тасодифан унинг бир томчисини ичиб юборгани ва дарҳол бўрига айланиб қолганини ҳикоя қилиб берди. Ҳар ҳолда унга шундай туюлган. Яхшиямки, ҳамкасблари телбалик бош-

қилишди. Ўзимни кучли ва шерюрак сеза бошладим, ўткир тишлар ҳамда узун тирноқлар ўсиб чиқди, ҳаммаёғимни жун қоплади. Ойга боққанча ушлаб, қаергадир югураман. Олдинда одам шарпаси кўринадди. Бу аёл экан, нима-лардир деб қичқираяпти. Мен у томонга ташланиб, тишларимни томоғига ботираман ҳамда таъми иссиқ қонни мириқиб симираман...

...Кўзимни очиб, ўзимни жуда ҳорғин сездим. Каравотдан турмоқчи бўлган эдим, чоғим келмади: бўйнимда пўлат бўйинбоғ осиглиқ турарди...

...Наҳотки тушда кўрганларим ўнгимда содир бўлаяпти... Бир неча соатдан сўнг шифокор Венцель келди. У бўйинбоғни ечиб олди ва ҳар бир одамнинг теграсида махлуқ яшаши, организм янгилиниши учун уни чиқариб юбориш лозимлигини айтиб, тинчлантирди.

— Асрнинг ўрталарида, — деди шифокор, — бутун Европа бўйлаб линкатропия хасталиги тарқалди. Бу шундай касалликки, одамлар афсун билан бошқа тусга киришади.

— Ахир бу касалликни бизга Аллоҳ эмас, иблис раво кўраяпти-ку, — эътироз билдираман мен.

— Бўри бўлиб қолиш гуноҳми? — кулиб деди Венцель. — Сен рақ хасталигига учраганинг, энди эса тананг яна куч-қувватга тўлганини унутдингми? Ҳозир хоҳлаган томонингга боришинг мумкин. Шундай эмасми?

...Мени шифокорнинг очикчасига сўзлаши қўрқувга солаяпти. Унга батамом тобеман ва мендан қандай мақсадда фойдаланишини билмайман. Кеча у яна етти мижоз тадқиқотларда иштирок этаётганини айтиб қолди. Аммо ши-



ДУШАНБА

30

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Тахлилнома".
8.40 ТВ маркет.
8.45 "Заминдаги буюк томошалар".

ЎзТВ-11

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"

ЎзТВ-14

7.30-9.00 "Хайрли тонг".
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.15 "Азизим, мен болаларни кичрайттирдим".

ОРТ

6.00 Телеканал "Доброе утро".
9.00 Новости.
9.15 Комедия "Дорогая, я увеличил детей".

ТВ 3

8.30 "Победоносный голос верующего".
9.00 Мультсериал "Ураганчики".
9.30 Мультсериал "Мумии возвращаются".

REN TV

9.00 Музыкальный канал.
9.40 "Остров сокровищ".
10.35 "Кино - детям".

СТС

7.45 "МАЛЕНЬКИЕ ЭЙНШТЕЙНЫ".
8.00 "ЧАК ФИНН".
8.30 Программа мультфильмов.

НТВ

6.00, 6.30, 7.00, 7.30, 8.00, 8.30 "СЕГОДНЯ".
6.05 - 9.05 УТРО на НТВ.
9.05 "ОДИН ЗА ВСЕХ".

РТР

4.45 - 7.45 "Доброе утро, Россия!".
7.45 А. Демьяненко, Ю. Никулин, Н. Селезнева, Г. Винон и Е. Моргунов в комедии "Операция "Ы" и другие приключения Шурика".

ДУШАНБА

31

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Байрамнингиз кўнглили ўтсин!

ЎзТВ-11

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"

ЎзТВ-14

7.30-9.00 "Хайрли тонг".
9.00 "Кўрсатувлар тартиби".
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.15 "Азизим, мен болаларни катталаштирдим".

ОРТ

6.00 Телеканал "Доброе утро".
9.00 Новости.
9.15 Комедия "Дорогая, я увеличил детей".

ТВ 3

8.30 "Победоносный голос верующего".
9.00 Мультсериал "Ураганчики".
9.30 Мультсериал "Мумии возвращаются".

REN TV

9.00 Музыкальный канал.
9.15 "Остров сокровищ".
10.20 Кино - детям.

СТС

7.45 "МАЛЕНЬКИЕ ЭЙНШТЕЙНЫ".
8.00 "ЧАК ФИНН".
8.30 "Сказка о мертвой царевне и о семи богатырях".

НТВ

6.00, 6.30, 7.00, 7.30, 8.00, 8.30 "СЕГОДНЯ".
6.05 - 9.55 НОВОГОДНЕЕ УТРО на НТВ.

РТР

4.45 - 7.45 "Доброе утро, Россия!".
7.45 ПРЕМИЯ "ОСКАР".
9.15 "Ну, погоди!" Мультсериал.

ДУШАНБА

31

ЎзТВ-1

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.

ЎзТВ-11

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?"

ЎзТВ-14

7.30-9.00 "Хайрли тонг".
9.00 "Кўрсатувлар тартиби".
9.05 "ТВ-4да мусиқа".

ОРТ

6.00 Телеканал "Доброе утро".
9.00 Новости.
9.15 Комедия "Дорогая, я увеличил детей".

ТВ 3

8.30 "Победоносный голос верующего".
9.00 Мультсериал "Ураганчики".
9.30 Мультсериал "Мумии возвращаются".

REN TV

9.00 Музыкальный канал.
9.15 "Остров сокровищ".
10.20 Кино - детям.

СТС


7.45 "МАЛЕНЬКИЕ ЭЙНШТЕЙНЫ".
8.00 "ЧАК ФИНН".
8.30 "Сказка о мертвой царевне и о семи богатырях".

НТВ

6.00, 6.30, 7.00, 7.30, 8.00, 8.30 "СЕГОДНЯ".
6.05 - 9.55 НОВОГОДНЕЕ УТРО на НТВ.

РТР

4.45 - 7.45 "Доброе утро, Россия!".
7.45 ПРЕМИЯ "ОСКАР".
9.15 "Ну, погоди!" Мультсериал.

Йил элчиси	1				Мато кўрки	Мудом	Йил хисоби		2				
Яқин киши	... парда	3	Кария	Саодат	4		Хабар	Кун	Туёна				
			5		От зоти	Фарзанд	Солнома		Ёзмаиш				
Чин ...	Мухлис	Эчки	Сихат...	Транспорт			Ўлчов						
		Инсов		Хордиқ	<p>Янги йилнингиз муборак бўлсин, азиз юрtdошлар!</p>  <p>Тузувчи: Ф. ОРИПОВ</p>						Кун		
Соз										Егулик	Мусика		Улуғ шоира
Африка юрти										Хат	Бака...		
Тантана	Исм												
		Ок...		Муъжаз									
										Канада	Учкич	...дил	
										6			
7		...рам	8	Мўлик						Киш уйни	"Набира"	Асорат	Доира
Дарё													
Бўлик		Тескари		Рақам						Сурат		Хилол	
Безнади	Гулшан							Соқка					
			Байрам		Табиат ҳодисаси		Чирой	Ўлчов					
"...нинг иши"				10									
		11	Кўмак		Кўшиқчи								
Тегирмон	Ҳаёт		Дарё	Киш шамоли		...кан		Чин					
	Маточи	Тугма	Нота		Сав... Ҳайдовчи тури	Эркин							
				12	...лос		13	Ранг					
Таом	Бўёқ	Кам			Одат	Номдош	Кўмиркони	Харбий қисм					
		Ғамхўр		14				Дон					
...кечиш	Пул бирлиги			Фойда	Куй ёзуви	Газ	Узум нави	Нота					
Халка	Миллат	Ҳаё				Покиза	...омяд						
		15	Илм.	Завқли				Меҳнат					
								16					

4 1 16 5 2 6 2 10 8 13 2 6 7 15 5 1 11 2 9 5 15 4 3 5 14 15 6 !

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Куранг. Шакарпалак. Европа. Дўстлик. Поташ. Палак. Ларзон. Родео. Дол. Ва. Изтироб. Код. Дала. Верн. Твен. "Школа". Пахса. Фан. Илова. Тошкент. Кобра. Шарф. Олапар. Кар. Краков. Ер. Она. Метрополитен. Ихтиро. Шакарангур. Дам Ҳиндиетон. Аудио. Пак. Трумен. Қаср. Сур. Оқ. Рустави. Карам. Рам. Рўзиев. Кавказ. Аср. Оро. Шам. Ақика. Башорат. Мумий. Зур. Аввал. Лавозим. Низомий. Рақам. Дуо. Оят. Йўлбарс. Айнқ. Уч. Чинор. Аз. Трагедия. "Адилас". Зонр. Игна. Мардон. Арафа. Ура. Ан. Лой. "Рено". Оҳанрабо. Драйзер. Опал. Асқар. Арпа. Ар. Инсоф. Ош. Ио. Нурафшон. Ола. Араб. Соф. Ҳанг. Қайроқи.

Калит сўзлар: Раҳмдиллик адолатлиликдан афзалроқ. (Люк Вовенарг – француз мутафаккири, ёзувчи 1715-1747 йиллар яшаган).

Ehtirom

Яқинда пойтахтимизнинг Ишчилар шаҳарчасида жойлашган мўжазгина бир хонадонга бордим. Мени юзидан нур ёғилиб турган отахон илиқ қаршилади. Унинг кўз қарашларидан турмуш қаттиқчилигини татиб кўргани яққол сезилиб турарди. Хонадон соҳибига мақсадимни айтишим билан отахон самимий жилмайиб:

– Майли, ўғлим. Фақат кўп гапириб юборсам, айбга буюрмайсан, хўпми? – деб кўйди ярим ҳазил оҳангда. Ичкарига кирдик. Айвоннинг тўридаги сурат бир қарашдаёқ диққатимни тортди. – Бу киши менинг онам бўладилар, – деди отахон, – суратни ўзим чизганман. Ҳар сафар унга боқиб ҳеч тўймаман. Онам худди ҳаётдек, ҳаммиша менга парвонадек туловерадилар.

Отахоннинг кўзлари беихтиёр ёшланди. Шу дамда олисларда қолиб кетган шўх-

хон ака Набиҳўжаев 1922 йилда хунарманд оиласида туғилди. Унинг болалиги қийинчилик даврларга тўғри келди. Ўша вақтларда очликдан нобуд бўлган гулдай сингилларини эслаб кўзига ёш оларкан, Эшонхон ака бугунги фаровон кунлар учун Яратганга қайта-қайта шукроналар айтади.

Шунга қарамай мактабни намунали хулқ ва аъло баҳо-

катта тезкор вакил бўлиб ишлай бошлади. Сўнг уни Яккасарой тумани ИИБ бошлиғи лавозимига тайинлашди. 1954 йилгача туманда жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиб ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда раҳбар сифатида фаолият кўрсатди. Орадан вақт ўтгач, Ўзбекистон Республикаси



СЕРМАЗМУН УМР

шодон болалиги, опа-сингиллари билан ота-онаси бағрида кечган онлари ёдига тушган бўлса ажабмас.

Онахоннинг суратини Эшонхон ака чизганига аввал унчалик ишонмадим. Бир оздан сўнг хаваскор рассомнинг иш столи, битган-битмаган суратлари, турли бўёқ ва мўйқаламларини кўриб у киши истеъдодли рассом ҳам эканлигига шубҳам қолмади. Беихтиёр бояги ишончсизлигимдан ўзим хижолат бўлдим.

Ҳозирда саксон ёшни қаршилаган истеъфодаги милиция полковниги, ички ишлар соҳасида кўплаб ёш ходимларга устозлик қилган Эшон-

лар билан тамомлаган Эшонхон ака ёшлиқдаги орзусига эришиш учун ИИБ милиция мактабида ўқиди. Дастлабки иш фаолиятини Ички ишлар вазирлиги бўлимида бошлади. 1946 йилда эса Э. Набиҳўжаевнинг ўз касбига масъулият билан ёндашиши, тиришқоқ ва меҳнатсеварлигини ҳисобга олиб, катта тезкор вакил этиб тайинлашди. Орадан кўп ўтмай уни Ички ишлар вазири ўзига ёрдамчи қилиб олди.

1948 йилдан эса тиниб-тинчимас ходим, милиция катта лейтенанти Э. Набиҳўжаев Ички ишлар вазирлигининг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимида

Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармасига раҳбар этиб тайинланди.

Эшонхўжа ака Набиҳўжаев қайси лавозимда ишлаган, изланувчанлиги туфайли ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонди. Ички ишлар соҳасида қарийб қирқ йил ишлаган Эшонхон ака 1976 йилда милиция олий мактабининг катта ўқитувчиси вазифасидан истеъфого чиқди.

Эшонхон ака умр йўлдоши Зафархон ая билан уч фарзандни эл-юрт қорига ярайдиган, ўзларидек меҳнатсевар инсонлар қилиб тарбиялашди.

– Менинг аёлим ҳақиқий

жаннати бўлган, – дейди Эшонхон ака. – Афсуски, рафиқамга бугунги бахтли кунларни кўриш насиб этмади.

Эшонхон ака ҳозирги кунда фарзандлари ҳамда набиралари ардоғида. Тўнғич қизи Маликахон Набиҳўжаева Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникасида олий тоифали шифокор бўлса, набираси Донохон Расулова Тошкент шаҳар ИИББ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси инспектори. Эшонхон ака уларнинг иқболини кўриб, ич-ичидан қувониб кетади.

С. ХАЛИЛОВ.

Суратда: истеъфодаги милиция полковниги Э. Набиҳўжаев.

ҲАЁТ НАШЪАСИ

Бир отахон гап орасида: “Кексайганида ҳеч бўлмаса набиранга айтдиган гапинг бўлсин, йўқса ҳаётда яшамасан”, деб қолди.

Жўра ака Раҳматов ана шундай фахрланса арзийдиган инсон. У йигирма саккиз йил милиция соҳасида ишлаган бўлса, аксинча, дўстнинг қўлтигидан тутиб, мададини аямаган.

... 1964 йили ҳарбий хизматни ўтаб қайтгандан сўнг отаси унга дўконда ишлашни таклиф қилади. Жўранинг юрагида милиционерликка бўлган иштиёқ туғён урарди. Бир кун маҳалладоши Жўра Файзиев уни ёнига чақириб Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Шароф Ашуровнинг ҳузурига олиб боради. Шароф ака вужудидан куч-қувват ёғилиб турган йигитни кўриб, “Бизга шундай мардлар керак”, дея дарҳол йўллама беради. Жўра Раҳматов навбатчи ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади.

Вақт ўтиши билан у Тошкент ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кирди, уни тугаллагач она юртига қайтди. Вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция полковниги Виктор Живило уни ўзи билан бирга ишлагач таклиф қилди. Жўра бу соҳада меҳнат қилиш оғирлигини яхши тушунарди. Икки йил ичида етарли тажриба тўплади. Малакали ходим Абдулла Аҳмедовдан жиноятни иссиқ изидан очиш сирларини ўрганди.

1969 йилнинг қиши оғир келди. Қаҳратоннинг қаҳридан чорва моллари қирилиб кетди. Шундай кунларнинг бирида Қарши шаҳар элек-

трянциясига қарашли оилавий ётоқхонада икки қиз ўлдириб кетилганлиги ҳақидаги нохуш хабар барчани оёққа турғизди. Тезкор гуруҳга жалб этилган Жўра Раҳматов ҳам воқеа жойига етиб борганда унинг иккинчи қаватида кўтарилш зинаси олдида кўшнлар йиғилиб турарди.

– Электростанцияданман, – дея гапга тушди ориққина йигит. – Иккинчи қаватда яшовчи қизлар Тошкентдан бизнинг қорхонага амалиёт ўташ учун келишган эди. Бошлиғимиз улар ишга чиқмагандан хавотирланиб, мени бу ерга юборганди. Келсам эшик тирқишларидан газ чиқяпти. Дарҳол қулфни бузиб ичкарига кирдик. Хона газ билан тўлган. Икки қиз ҳушсиз ётибди. Газ плитаси мурватлари очик. “Тез ёрдам” чақирдик. Дўхтирлар уларни кимдир ўлдириб кетган, дейишгандан сўнг...

– Тушунарли, – деди гуруҳ раҳбари. – Жўра, сиз суриштирув ишларини давом эттиринг. Мен тиббий экспертизадан мутахассисларни чақиртираман.

Жўра Раҳматов экспертлар билан юқори қаватга кўтарилди. Эшик қулфи кўпорилган, хонада шифокорлар қизларга тиббий ёрдам кўрсатишарди.



Суриштирув чоғида кўшнлардан бири қизларнинг ёнига Володя исмли аскар йигит келиб туришини айтиб қолди. У Абдулла Аҳмедовга вазиятни тушунтирди.

Улар шу ерда кузатув ишларини олиб боришди. Еттинчи кун Володянинг бир ўртоғи билан ота-онасиникига келганлиги ҳақида хабар топиб, уйига етиб боришганда у жўнаб қолган эди.

Винога бўкиб ўтирган Николай Семунчик Россияда жиноят содир этиб, қидирувда экан. У суриштирув чоғида воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

... Аскарлик кийимида бўлган Володя кун бўйи шаҳар айланиб Николайга дуч келади. Икки ҳамтовоқ ширакайф ҳолда қизлар ётоқхонасига йўл олади. Аммо қизлардан бири уларнинг бемаъни одамлар эканлигини шишшганини Володя эшитиб қолади. Улар иккинчи кун Қарши шаҳар темир йўл қиёбонида винохўрлик қилишгаётганда Володя бу гапни айтгач, Николайнинг жаҳли чиқиб: “Ўлдириб керак!” дейди. Тунги соат иккиларда улар нарвон орқали қизлар ётоқ-

хонасига кириб, темир бўлаги билан уларнинг бошига уришади. Сўнг газ плиталар мурватини бураб, воқеа жойидан қочадилар.

Николай Петропавловск шаҳри яқинидаги қўлга туташибалчиққа ташланган, қизларнинг уйдан ўғирланган кийим-кечаклар солинган жомадонни тезкор гуруҳга кўрсатишга мажбур бўлди. Володя Валичук ҳам тез орада қўлга олинганлиги ҳақида Петропавловскдан хабар келди.

Қотиллар узоқ муддатга жиноий жазога тортилди.

Жўра Раҳматовдаги тиришқоқлик, ташаббускорликни кўрган Виктор Живило уни Қарши шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи вазифасига тавсия этди. У 19 йил шу соҳада ишлаб, 1992 йилда кўриқлаш бошқармасидан пенсияга чиқди.

Истеъфодаги милиция подполковниги Жўра ака Раҳматов бугунги кунда вилоят ИИБ кўриқлаш бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси. Ёшларнинг сеvimли мураббийи. Боқувчисини йўқотган оилаларга бориб, уларнинг дардига дармон бўлади. Ўзи истиқомат қилаётган Қарлуқ-Боғот маҳалласида тўйу маъракалар усиз ўтмайди.

– Жўра ака маҳалламизнинг фахри, – дейди маҳалла кўмитаси раиси Усмон Воҳидов. – У киши билан оилаларда бўлиб, маҳалладошлардан хабар олиб турамиз.

Жўра ака турмуш ўртоғи Маҳмуда опа билан 9 нафар фарзандни оқ юзиб, оқ тараб вояга етказишди. Кўпчилиги уйли-жойли. 8 нафар набираси бор. Шарофиддин ота касбини танлаган кўриқлаш бошқармасида милиционер бўлиб ишляпти. Жўра ака фарзандлари ва набиралари бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
милиция майори.

Ҳикоят

«ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС»

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқнинг қуйидаги афсонаси билан боғлиқ: “Қадим замонда қарияларни ўлдириб одати бўлган экан. Шунда отасини жуда яхши кўрадиган бир йигит уни ўлдирмасинлар деб, яширган...”

Кунлардан бир кун подшо кема билан дарё саёҳатига чиқибди. Иттифоқо кучли пўртана бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлабди. Подшо ва унинг хизматкор йигитлари қирғоққа тушишибди. Бу ер парилар юрти экан. Улар атрофни айланиб юриб, дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол йигитларга шу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар бирин-кетин сув остига шўнғиб, гавҳарни тополмай, қуруқ қайтиб чиқаришибди.

Подшонинг жаҳли чиқиб, бошқаларни туширса, улар ҳам тополмай чиқишибди. Шунда подшо: “Бу гавҳарни кимки топиб чиқса, унга молу дунёлар инъом этаман. Тополмай чиққанларни ўлимга маҳкум этаман!” деб шарт қўйибди. Навбат ҳалиги отасини яширган йигитга келибди. У: “Оҳ, энди куним битди” деб, отасининг олдига кириб, видолаша бошлабди. Шунда отаси: “Дарёга тушмасдан бурун тепани бир қарагин. Ҳеч вақтда гавҳар дарёнинг ичида бўлмайди. Қирғоқдаги дарахт шоҳида бир қушнинг ини бўлса керак, гавҳар ҳам ўша инда бўлса керак. Шунинг шуъласи дарёга тушиб тургандир. Ўша дарахтга чиқиб қидир”, деб маслаҳат берибди.

Йигит отаси айтгандек қилиб, дарахтнинг дарёга эгилган шоҳига эҳтиёткорлик билан чиқиб борибди. Қараса, ҳақиқатан ҳам пастга энгашган бир инда гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол қўйнига солиб, олиб тушибди. Бу гавҳарнинг борлигини шу юртнинг эгалари бўлмиш парилар ҳам билмас эканлар...

Подшо йигитдан: “Буни қандай қилиб билдинг?” деб сўрабди. Йигит отаси ўргатганлигини айтишга мажбур бўлибди. Шунда подшо қарияларни ўлдириб тўғрисидаги қонунни бекор қилган экан...”

«Маънолар маҳзани»
китобидан олинди.



ОБИД АСОМОВ:

«МИШ-МИШНИНГ ҲАМ ГАШТИ БОР»

Бу кичик жуссали инсон қизиқчи бўлса-да, ҳаётда ўта жиддий. Баъзан концертга борсангиз, «санъаткор» деб ном олган аксарият хонандалар ёзиб олинган овозда «хизмат» кўрсатишади, лекин Обид Асомов ҳангомаларни соатлаб жонли ижро этади. Шу боис томошабин уни ҳурмат қилади, у билан сира зерикмайди. Биз янги йил арафасида таниқли сўз устаси Обид Асомов билан учрашиб суҳбатлашишга муяссар бўлдик.

— Обид ака, сизга қайси жанрларда ижод қилиш ёқади?

— Натюрморт, пейзаж, баъзан портрет ҳам чизаман.

— Қизиқчилик рассомликдан кўра оғирроқ-ку! Рассом ишлаётганида унинг фаолиятини баҳоловчи нигоҳлар йўқ. Қизиқчи эса халқ олдида ўта топқир бўлиши керак. Шундай эмасми?

— Мен қизиқчи бўлиб, рассомликни ташлаганим йўқ. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Расм санъати га умримнинг анча йилини бағишлаганман. Тўртинчи синфдан бошлаб расм тўрагагига қатнашдим. Саккизинчи синфни битириб, рассомчилик билим юртига ўқишга кирдим. Уни қизил диплом билан тугатгач, Москвага Суриков номи рассомчилик институтига йўлланма олдим. Олдимга шундай мақсад қўйдим: “Агар ўқишга кирсам, қизиқчиликдан йироқлашаман, кира олмасам, “қизиқчиликни давом эттираман”. Буни қарангки, йиқилдим”.

Тошкентга келгач, билими бўш баъзи тенгдошларим олий ўқув юртига кириб кетганини кўриб, бир йилча хафа бўлиб юрдим. Хуллас, жаҳл қилиб, Тошкент рассомчилик санъати институтининг “китоб графикаси” бўлимига ўқишга кирдим. Қизиқчилик ва рассомчиликни биргаликда олиб бораман, деб ўйлагандим. Институтида астойдил ўқидим. Ўқишни битиришимга бир йил қолганда, “Ўзбекфильм” режиссёри, марҳум Латиф Файзиев мени “Овчи” фильмида роль ўйнашга таклиф этдилар. Деканамиз қаттиққўл одам эди: ё кинони танлашимни ёки ўқишни давом эттиришимни шарт қилиб қўйди. Саҳнат иштиёқи устунлик қилдим, кинони танладим. Суратга олиш бир ой Ҳиндистонда, Юрмалада ва бошқа шаҳарларда ўтиши керак эди. Академик таътил олиб, кино оламига шўнғиб кетдим. Ҳамон “академик таътил”да юрибман!

— Диплом-чи?

— Диплом — институтида. Ўша ерда тургани маъқул, кўнгил тўқроқ бўлади. Уйда йўқолиб қолиши мумкин. Бўш вақт топсам, болаларим билан бориб ўқирман.

— Санъатдан бир оз четга чиқиб, оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Биз оилада 4 фарзандимиз. Опам Гулчехра, Собит акам — тўнғич, мен ва синглим Наси-

ба эркатойлар эдик. Турмуш ўртоғим—Дилфузахон уй бекаси, фарзандларим — Дилором, Наргиза 110-мактабда таҳсил олишади. Одиҳон билан Нозимабону эса болалар боғчасига боришади.

— Болалар тарбиясига вақт ажрата олмасангиз керак?

— Ўғил боланинг тарбияси билан ота шугулланиши, қизларни эса она тарбиялаши керак, деб ўйлайман. Шундай бўлса-да, болалар учун вақт ажратишга ҳаракат қиламан.

— Акангиз билан сизни эгизак деб ўйлашарди...

— Акам ажойиб инсон эдилар. Менинг қизиқчилик санъатига киришимга 90 фоиз Собит акам сабабчи бўлган. Акам билан бирга ишлаш менга доим хузур бағишлаган. Бешафқат дунё экан. Дунёнинг нотантилигидан баъзида хафа бўлиб кетаман.

— Яна нимадан хафа бўласиз?

— Баъзан кўра-била туриб ёлгон гапиришимдан, нафратланган одамимга ёши улуглиги ёки ўзбекчилик сабаблими, “сизни ҳурмат қиламан”, дейишга мажбур бўлганимдан, бевақт ўлимдан...

— Обид Асомовни хафа қилиш осонми? Кечиримлимисиз?

— Жуда осон. Баъзан асабийлашганимда “кечириш керак” дейишади, аммо мен кечира олмайман. Дўстнинг хиёнатини-ку, асло...

— Ўзингиз-чи?

— Мен шу кунгача дўстларимга, оиламга, санъатга хиёнат қилмаганман. Айниқса, санъат хиёнатни кечирмайди. Кўзбўямачиликни жуда ёмон кўраман. Иложи борича саҳнага тайёрланиб чиқаман. Афсуски, кўпгина инсонлар санъатни фақат пул топиш манбаи, деб ҳисоблашади. Ундайларнинг саҳнадаги умри қисқа.

— Кимлар учундир бойлик-бахт демакдир. Сиз бахтлимисиз?

— Мен учун бойлик-бахт эмас. Менинг ҳамма нарсам бор, демак бахтлиман десангиз, интилишга ҳеч нарса қолмайди. Қисман бахтли, қисман бахтсизман. Бозорга чиқа олмайман, кўчада юра олмайман. Оғиримни энгил қиладиган дўстларим, оилам бор. Баъзан эса мени нотаниш одамлар ҳам таниб, мавжуд муаммони ечишга ёрдам беришади. Яхшиям, шу касбим

бор экан, деб хурсанд бўламан.

— Тушқуликка туганган пайтларингиз бўлганми? Бундай вақтда нима билан овунасиз?

— “Бундан баттарроқ бўлиши мумкин эди. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар” деб ўзимни-ўзим юпатаман.

— Эркинлик сиз учун нима? Нимадан кўрқасиз?

— Эркинлик — мен учун бахт. Кўчада эркин эмасман. Файритабий иш қилишим, кўпол гапиришим мумкин эмас. Ёлғиз қолганимда ўзимни энгил ҳис қиламан. 10-15 кунлаб тоғу тошларга чиқиб кетсам, соатлаб балиқ тутсам, расм чизсам ўзимни эркин ҳис этаман. Шаҳарда ҳам расм чизгим келади, иложим йўқ! Нимадан кўрқаман? Ҳеч кимга керак бўлмай қолишдан. Бир кун бўш қолсам...

шқари тўтиқушлар бор экан...

— Болалигимдан тўтиқушларни яхши кўраман, улар билан кўп гаплашиш керак, лекин бунга вақт етишмайди...

— Сиз учун дунёда энг муқаддас нарса нима?

— Инсоннинг иймони.

— Миш-мишлар билан “чиқиша” оласизми?

— Дастлаб, ҳар хил миш-мишларни эшитсам жаҳлим чиқарди. Кейинчалик ўрганиб кетдим. Одамларнинг эътиборида эканмиз, “дарахтимизда” мева бор экан, тош отишади, миш-миш қилишади. Ҳеч ким эътибор бермаган одамни ким ҳам гап қиларди. Одамлар эътиборидан қолишдан ёмони йўқ ахир! Қолаверса, миш-мишларнинг ҳам ўзига яраша гашти бор.

— Заиф томонингиз нимада?



— Демак, бўш вақтингиз йўқ экан-да.

— Бўш вақтимни уйқу билан ўтказаман. Кечаси соат 24.00 ларда уйга келаман, 3 гача телевизор кўраман. Чунки дунёда менсиз нималар бўлаётганини билишим керак. Ҳаммаёқ тинчлигига амин бўлиб, кейин ухлайман. Ҳар доимгидек соат 7 да тураман. Латифа ва сатирик асарларни ўқишга ҳаракат қиламан.

— Истеъдод ҳақида. Сиздаги истеъдод авлодларингизнинг бирортасида бўлгандир балки?

— Мен бунга суриштирдим. Авлодимда ўқитувчилар, мударрислар ўтган экан. Бобокалоним—Асомиддин ҳожи эшон ўн бир ёшларида ҳажга жўнаб, йўл-йўлакай карвонда одамларга латифа айтиб, қизиқчилик қилиб юрганлар. Балки бу истеъдод менга бобокалонимдан ўтгандир.

— Уйингизда расмлардан та-

— Ҳар бир инсонда камчилик ва заиф томони бўлиши муқаррар. Менинг ягона заифлигим — вақтнинг тигизлиги. Бирор нарсани режалаштириб қўяману, ўша кунни нимадир бўлиб, вақтим етмай қолади. Ҳатто концертга ҳам баъзан бошланишига 1-2 дақиқа қолганда етиб бораман. Одатда кўпчилик санъаткорлар томоша бошланишидан бирор соат олдин келиб тайёргарлик кўришади. Мен эса шунга ҳам улғура олмайман.

— Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг “Йўқотганларим ва топганларим” деб номланган асарини яхши биламиз. Шу ўринда ҳаётда “йўқотган” ва “топган”ларингиз?

— Ҳаётимда йўқотишлар кўп бўлди. Аввало отам ва акамдан айрилдим. Бу менга жуда катта зарба бўлди. Уларнинг руҳини шод этиш мақсадида санъатим-

ни янада ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Ягона армоним — отам ва акам шу кунларни кўра олишмади. Илоҳим уларнинг умрларини ҳам қўшиб, онамларга берган бўлсин! Топганларим эса — мухлисларим, дўстларим, оилам ва севимли санъатим.

— Экранда “Обид-шоу” кўринмай қолди. Бунинг сабаби нимада?

— Асосий сабаби “Обид-А” театри бу йил республика бўйлаб катта “Футбол-шоу” концертини санъаткорлар билан бирга намойиш этди. Қолаверса, Америка, Исроил, Ҳиндистон, Германия, Туркия давлатлари бўйлаб гастроль сафарлари уюштирилди. Булардан ташқари Таиландда “Бумбастик-3” бадийи фильмида суратга тушишга анча вақтим кетди. Янги “Олашақшақ” фильмида ҳам роль ижро этдим. Ҳозирда дубляж ишлари бошланган. Қолаверса, “Обид-шоу”нинг давомини олишда маблағ масаласида ҳам бир оз иккиланиб қолдик. Чунки — актёр ва актрисаларнинг кийимларини Ҳиндистондан олиб келдик, декорацияларни ҳам қайтадан янгилашимиз керак. Агар ҳомийлар топилиб, етарли миқдорда маблағ жамғарилса, кўрсатувни давом эттириш ниятимиз бор.

— Келгуси режаларингиз...

— Ҳозирда 28-30 декабрь кунлари Туркистон саройида намойиш этиладиган “Қизиқчилар базми”га, 28 декабрдан 12 январгача Ўзбек Миллий академик театрида ўтадиган “Янги йил арча базми”га тайёргарлик кўраёпмиз. Салкам 3 йилдирки, саҳнадаман. Ёлғиз ўзим Исроилда яккахон концерт беришни, қолаверса, Америкага яна бир карра боришни режалаштириб қўйганман. 2003 йил баҳоридан бошлаб, яна бир бадийи фильмда бош ролни ижро этиш мақсадим ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунга қадар фильмларда ижро этган ролларим сони 15 тага етди. Ниятим уларни янада кўпайтириш!

— Ички ишлар ходимлари ва мухлисларингизга тилақларингиз!

— Ички ишлар ходимларига оғир ва матонатли ишларида Аллоҳ ҳамиша ёр бўлиши, бахтимизга соғ-омон юришларини тилаб мухлисларимга қалбимдаги энг эзгу ниятларимни йўллаб қоламан!

Мухлиса МУҲИДИНОВА суҳбатлашди.

**«КУВВАТИЖОН»
ШИРИНЛИГИ**

Асал билан сариёни алоҳида-алоҳида идишларда суғ оловда эритиб, бир-бирига қўшиб, ёғоч куракча билан аралаштирасиз. Ушбу ширинлик нонга суртиб ёйиш учун эрталабки нонуштага тортилади.
Масаллик: 300 г асал, 500 г сариёғ.

БЕХИ ДИМЛАМА

Нордон беҳини икки паллага ажратиб, уруғлари олиб ташланади. Сўнг эни 1 см келадиган тиликларга бўлиб чиқасиз ва қайноқ сувга ботириб қўясиз. Гўшт ва ёғни бармоқ катталигида, пиёзни эса ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз. Масалликларни бирлаштириб, юзига туз ва зира сепиб аралаштирасиз. Сўнгра қозонгами, кастрюлкагами солиб, масалликнинг юзи би-

лан баравар сув қўйиб суғ оловда қайнатилади. Қайнаб чиққандан кейин 40 дақиқа давомида димлаб пиширасиз. Дастурхонга тортиш учун човлида сузиб, лаганга солинади, сардаги алоҳида пиёлаларда узатилади.

Масаллик: 1 кг нордон беҳи, 500 г қўй гўшти, 200 г думба, 2 бош пиёз, 1 чой қошиқда туз, шунча мурч ва зира.

«ҚИШКИ» ИЧИМЛИГИ

Лимон сувини оловга қўйиб, қаттиқ қиздирилади, лекин қайнатилмайди. Кейин олдиндан яхшилаб иситиб қўйилган стаканга қўйиб олинади. Устига кулупнай ва лимонли шарбатлардан қўшиб, яхшилаб аралаштирилади.

Бу ичимлик иссиқ ҳолида дастурхонга тортилади.

Масаллик: 1/2 стакан лимон суви, 1 ош қошиқ кулупнайли, 2 ош қошиқ лимонли шарбат.

**АРЧА БАЙРАМИ
КЎНГИЛЛИ ЎТСИН!**

Янги – 2003 йил кириб келишига санокли кунлар қолди. Болажонларимиз орзиқиб кутган арча байрамлари бошланяпти. Бу ажойиб байрам тантаналари кўнгилли ўтиши учун ёнғин хавфсизлиги идоралари ҳам қизғин тайёргарлик кўриб қўйишган.

Арча байрами кўнгилдагидек ўтиши учун мактаб, боғча ва бошқа муассасалар раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан берилган ёзма кўрсатмаларни ўз вақтида бажарилишига эришишлари керак. Шунингдек, арча байрамини ўтказишга масъул кишилар ёнғиннинг олдини олиш талабларига риоя этилишини назорат қилишлари керак.

Янги йил шодиёнаси бехатар ўтиши учун қуйидагиларга қатъий риоя қилинишини сўраймиз:

– арча биноларнинг 1-қаватидаги кенг хоналарда ўрнатилиши, хонанинг камида иккита чиқиш жойи бўлиб, қулфланмаган ҳолда туриши шарт;

– муассаса раҳбарлари тантана бошланиши олдиан ёриткичларнинг созлиги, ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги ва ишга яроқлилигини текшириб кўришлари зарур;

– арчани безатишда фақат корхонада тайёрланган 24 вольтдан юқори бўлмаган электр чироклардан фойдаланиш керак;

– арчани қоғоз, целлулоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ўт олувчи материаллар билан ясашиш мумкин эмас;

– арчанинг шохлари хона шифтига ва деворларига тегмаслиги керак;

– арча иситиш мосламаларидан камида 2 метр узоққа ўрнатилиши лозим;


– маросимлар вақтида бенгал шами, турли мушаклар, айниқса қўлбола пиротехник воситалардан фойдаланиш тақиқланади;

– болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада ёлғиз, қаровсиз қолишларига йўл қўйманг;

– электр тармоғига бирварақайига бир нечта электр асбоблари ва ёриткичларни улаш тақиқланади;

– агар хонада ёнғин аломати сезилса, аввало болаларни хавфсиз жойга чиқариб, тезда “01” рақамли телефонга кўнғироқ қилинг.

Д. ҚАМБАРОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.



ЯНГИ ЙИЛ КРИПТОГРАММАСИ

Мухтарам муштарийлар! Қуйидаги матнда арабча рақамлар билан яширилган очқич сўзларни топиб, уларнинг ҳарфларини тегишли рақамлари бўйича шакл хоналарига ёзиб чиқсангиз, криптограммада сизларга аталган шеврий табрик сўзларини ўқийсиз.

- I. Янги йил байрамининг анъанавий тарзда безатиладиган кўркем меҳмони — 1,8,25,1.
- II. Вақт ўлчов бирлиги — 9,3,10.
- III. Топишмоқ: “Катта қути, кўзи бор, Кўп томоша, сўзи бор” — 7,17,10,17,24,3,2,12,8.
- IV. Кириб келаётган Янги йил шарафига май тўлдириб нима кўтарилди? 23,1,22,1,26.
- V. Янги йил кирганлигини мусиқавий бонг уриб эълон қилувчи минора соати — 13,5,8,1,16,7.
- VI. Янги йил билан қариндош-уруғ, ёр-биродар, таниш-билишларни қутлов — 7,1,11,8,3,13.
- VII. Хоразмнинг шўх қуйларидан бирига ижро этиладиган рақс — 10,1,2,19,3.
- VIII. Қорбобонинг Янги йил байрамида кичкинтойларга улашадиган совғаси — 6,12,13,12,10,1,22.
- IX. Ҳавонинг очиқ ва ачиқ совуқ пайти — 1,18,2.
- X. Мақол: “Халққа 21,3,2,4,1,7 — одий ҳиммат”.
- XI. Миллий кийим — 7,14,16.
- XII. Сўз уйинига асосланган ҳозиржавоблик мусобақаси — 1,15,13,3,20.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



1	2	3	2	4	5	6	7	1	8	3	9	10	1	8		
4	5	11	12	8	1	13	11	14	10	15	3	16				
13	3	8	3	11	13	17	10	1	18	7	19	1	16			
20	16	19	3	9	3	10	3	16	19	3	2					
15	3	2	19	1	11	1	21	7	15	1	12	22	1	7		
12	4	1	22	18	8	11	14	10	3	11						
23	5	24	12	16	25	10	1	8	19	1	7	14	10	15	3	16
26	1	8	13	5	16	22	3	10	3	16	19	3	2			

Ўзбекистон Республикаси ИИБ, ЖК ва ТҚКББ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Бош бошқарма катта тезкор ходими, милиция подполковниги Б. Арапатовга турмуш ўртоғи **Гулбахор АСКРАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Кибрай тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Ш. Холмуродовга укаси **Шавкат ХОЛМУРОДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 1 январда чиқади.

**ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
R. BERDIYEV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami: 20210000700447980001, MFO 00421.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma № 1142. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

40 108 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.